

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БУ БИЗНИГ КЕЛЕЖАГИМИЗ, ҲАЁТ-МАМОТ МАСАЛАСИ

Юсупова Бийбисара Жумабаевна

И.В.Савицкий номидаги Қарақолпоғистон давлат санъат музейи, Нукус

Аннотацияси: Бу мақола И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоқстан давлат санъат музейида «Ўзбекистон-2030» стратегияси бўйича ёшлар аудиториясида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларга боғишланади.

Калит сўзлар: Таълим –тарбия, ёшлар, музей, мактаб.

Аннотация: Статъя посвящена деятельности Государственного музея искусств Каракалпакстана им.И.В.Савицкого с молодёжной аудиторией, которая организована в рамках реализации стратегии «Узбекистан-2030».

Ключевые слова: Образование-воспитание, молодежь, музей, школа.

Кириш: 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққийёт стратегияси асосида янгиланиб атирган Қорақалпоғистон Республикасида давлат Фармонларни ва қарор дастурларин амалга оширмоқда. ХХІ аср Республика халқи ва ёшлари учун таълим-тарбия-илм, фан-таълим, ва яна таълим- илм дастури бўлмоқда.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ўз нутукларида таниқли маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё-ҳаёт, ё- мамаот, ё- нажот, ё-ҳалокат, ё- саодат, ё- фалокат масаласидир» деган чуқур маъноли сўзлари нақадар ҳақиқат эканлигин бугинги кунда таълим-тарбия бу бизнинг кележагимиз, ҳаёт-мамот масаласи эканлигин тасдиқлап бермоқда.

Бугунги техник тараққийёт даврида саводли, билимли, маданиятли ҳар томанлома ривожланган инсонгина миллий кадриятларимизни тарихимизнинг бой маданий бойликларини, улуғ боболар меҳнатларини ва маданий меросларини асраб-авайлаб сақлашга, уларнинг тарихини бошқаларга ғурур билан ҳар қил тилда таърифлаб айта билади. Шундай қобилиятига эга булган ёшларни тарбиялаб уларнинг маънавий-маърифий савиясин ошириш биз устозларнинг вазифаси. Сабаби бугун буюк бобаларимиз мироси-ушинши ренессанс пойдевори амалга оширилмоқда. Музей - маънавият астонаси ва маънавият бошқа соҳалардан ўн қадам олдинда юриши, маънавият янги кучга, янги ҳаракатга айланиши кераклиги Президентимиз нутукларида такрор айтилган.

Музейларга белгиланган кунларда мактаб ўқувчилари ўз устозлари билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 11-июлдаги 189-сонли «Давлат музейларини болалар ва уларнинг ота-оналари учун очиклигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарори асосида ҳафтанинг ҳар сешанба ва жума кунлари 18 ёшгача бўлган болалар ва улар билан бирга келган

ота-оналар (ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) га музейга бепул кириши таъминланбоқда. Бепул ташриф бўйурувчи ўсмирлар ва ёшлар билан ишлаш, уларни музей экспозиция залларидаги сирли тарихга олиб кириш бугунги кунда музей ходимларининг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Музейимизда ёшлар ва ўқувчилар билан бирга ишлашнинг янги замонавий йуллари, усуллари изланмоқда. Таниқли художниклар Қорақалпоғистон халқ рассоми, академик Сарсенбай Байбосинов, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар устози, етакчи рассомларнинг бири Женис Лепесов, ёш рассом П.Абдреймовлар тасвирий санъатга қизиғувчан ёшлар учун, қорақалпоқ халқ кул ҳунари кесташилиқ, бўйича халқ амалий санъати бўлими бошлиғи Қорақалпоғистон Республикасига меҳнати синган маданият ходими А.Пирназарова, археолологиялик топилмалар тарихи бўйича таниқли археолог, археология фанлари номзоди О.Доспанов ўзларининг «Маҳорат дарс»ларин музей режаси асосида ўтказмоқда. Шунингдек Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, ёш рассом, музей илмий ходими А.Сапекеева тоمانидан болалар учун 70 саотлик «Қалам» (Карандаш) ўқув дастурли жадвал бўйича ўтказиб келмоқда.

Музейнинг 2-Блокнинг 2-биносида ота-оналарнинг музейга боласи билан келганда уларнинг бемалол музейни томошалашига имкон яратилиб музейда «Болалар ханаси» ташкил этилган ва керакли инвентарлар, уйинчоқлар, телевизор ва қизиқарли болалар китоблари билан безатилган.

Олий ўқув юрти талабалари, магистрлар реферат ишларини ёзишда музей кутубхонасида мултимедиа тизими ёрдамида музей тарихидан ёзилган кассета, дисклар, кинофилмлар ва жаҳон маданиятига тегишли газета-журнал ва китоблардан фойдаланбоқда.

Масалан, ҳозирги пайтда миллий байрамларда ва тойларда қизлар қорақалпоқ хотин-қизларининг миллий кийимларининг бири «Саукелени» кийиб турганлигини кўрамиз. Аммо, бу феноменли «Саукеле»нинг этимологиялик маъноси Орол диёри этно+тарихий ва этно-географик тарқалиши тўғрисида тўлиқ айтиб бериш имконига кўпчилик эга эмаслигин биламиз ва шу саукеле тўғрисидаги тўлиқ маълумотни музейдаги экспонатни кўриб, тарихини махсус экскурсия асосида тинглаш ёки кутубхонага келиб ўқиб, реферат ёзиш имкони яратилган.

Талабалар ва ўқувчилар учун ўтказилган «Хоразм ерига кўмилган Сармат маликаси тўғрисида», Россия художниги В.Лисенко картиналарининг сири, Ўзбекистон тасвирий санъатининг асосчиларининг бири бўлган Александр Волков, Урал Тансықбаев ва Усто–Мумин картиналари ҳақида, «Кок койлекдаги қорақалпоқ йилномаси», Саукеле сири атамасида махсус мавзу-экскурсиялар ўзининг яхши натижаларини бермоқда. Аниқса экскурсовод

ходимларимиз картиналардаги табиат манзараларига, қаҳрамон образларига адабий образ яратиш орқали ўқувчи ёшлар қобилиятини ривожлантириш йуллари ва янги технологиясин табдиқ этмоқда.

Музейга келган ўқувчи музей экспонатларини томоша қилганда ўша буюмнинг сирли тарихини эшитганда, уларда тарихий бой маданий меросга деган қизиқиш пайдо бўлади, ана шу қизиқишни ривожлантирадиган ва ўша сеҳрли оламга олиб келадиган музейда экскурсовод бўлса, кейинги кўрган билимини такомиллаштирувчи – бу мактабдаги ўқитувчи ҳисобланади. Музей илмий ходимлари мактаб билан ишлаш ишларин такомалаштириш мақсадида мактабларга ташриф буюрув улар учун лекция ва ноёб экспонатлар репродукцияларидан кучма кўрғазмалар ўтказиб бормоқда.

Болаларни музейларга жалб этишда янги педагогик технологияларни фойдаланиб умумтаълим мактабларида меҳнат ва тарих фанлари ўқитувчиларининг календар иш режаларидаги тарихий бой меросларимизга тегишли мавзуларни «Саёҳат дарси» ҳисобида музейда ўтказишнинг ўзи ўқувчилар билимларин синовдан ўтказишга қаратилган бўлса, тарих фани ўқитувчилари учун Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Худудий марказининг ижтимоий-иқтисодий фанлар методикаси кафедраси бирнечта йиллар давомида этнография бўлими бошлиғи А.Пирназарова ва илмий ходимлари билан биргаликда “Тарих билимларини ривожлантиришда музей дарсларининг ўрни ва аҳамияти” номли тадбирлар, лекциялар, амалий дарслар ўтказиб ўқутувчилар билимин амалиётда мустаҳкамлашига ёрдам бермоқда.

Ёшларни илм, маданият, санъат соҳаларидаги қобилиятларини аниқлаш, юзага чиқариш, маданиятга, илимга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш, ўқувчиларнинг таътил кунлари бўш вақтини мазмунли ўтказиши ва ходимлар томонидан ўқув юртларида ўтказилган музей ҳақидаги ва унда сақланаётган ашёлар туғрисидаги гапирип бериш ва ўтказилган маърузаларнинг самараси мониторинги буйича 17-сонли мактабнинг 8-синф ўқувчиларининг иштирокида «Замонавий қорақалпоқ тасвирий санъати тўғрисида» экскурсовод ролини бажариш (деловая игра) дарси, Нукус шаҳридаги ихтисослаштирилган санъат мактаби ўқувчилари иштирокида «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар устози, етакчи рассомларнинг бири Женис Лепесов томанидан ўтказилган «Маҳорат дарси», Гёте институтининг Тошкентдаги элчихонаси билан биргаликда ўқувчилар орасида «Мой любимый музей», «Менинг севимли музейим» атамасида иншо танлови, Қорақалпоқ давлат университетининг тарих ва ҳуқуқ факультетининг профессор ўқитувчилари ва талабалари иштирокида «Соҳибқирон Амир Темур таваллудиги»га бағишланган илмий кеча ва Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон

бўлими олимлари, Қорақалпоқ давлат университети, Ажинияз номидаги давлат институти ўқитувчилари ва магистрлари иштирокида «Археология соҳасида эришилган ютуқлар ва янги илмий изланишлар натижалари» мавзусида давра суҳбати ўтказилиб унда ёш олим ва магистрлар ўз маърузалари билан қатнашди.

Музейнинг асосчиси И.В.Савицкий томанидан 1966 йиллардан бошлаб республика шаҳар ва туманларда халқ амалий санъати буюмларни, археологиялик артефактларни ва Ташкент, Москва шаҳарлардиги таниқли ва таниқли эмас, унитилган рассомларнинг тасвирий санъат ва графикалик асарларини йиғиб музейга олиб келган. Туркестан ва Россия авангард рассомларининг тасвирий санъат ва графикалик асарларидан йиғилган коллекциялардан кўргазмалар ташкиллаштирган. Музей асосчиси Савицкийнинг изин давом этиш мақсадида бугиги кунда музейнинг бебаҳо фонд миросларин халқимизга, меҳмонларга намойиш этиш учун таниқли Туркестан, Россия авангард рассомларининг ва Қорақалпоқ рассомларининг таваллуг кунига ва ижодига боғлиқ кўргазмалар ўтказилмоқда.

Кўргазмаларга адабий кечаларда иштирок этган рассомлар, музейшунасолимлар томонидан музейдаги коллекция ва ашёларнинг тарихий, илмий таърифларни итиборга олиб ва музей архивида йиғилган ҳужжатлар асосида музей илмий ходимларининг илмий мақолалари халқора илмий-амалий конференция тўпламларида ва Республикалик илмий журналларда шоп этилмоқда.

Музей фонди коллекциялари ва ашёлари буйича 1976-йилдан шу кунга қадар 35 та каталог ва альбом- каталоглар чоп этилган бўлса, музей асосчиси Игор Савицкий ҳақида Қорақалпоқстан Республикасига меҳнати синган маданият ходими, «Дўстлик» ордени эгаси М.М.Бабаназарова авторлигида «Савицкийни эслаб» (2023й) китоби италян, рус, инглиз ва немец тилларида чоп этилди ва музейда олимлар, илмий ходимлар, муҳбирлар иштирокида презентация ўтказилди ва янада М.М.Бабаназарованинг «Игорь Савицкий: художник, собиратель, основатель музея» номли китоби Лондон: Silk Road Publishing House нашрида рус ва инглиз тилларида чоп этилиб ҳозирда бу китоблар музейнинг сувинер дўканинда сотилмоқда.

Туман ва шаҳар мактаби ўқувчилари ўртасида “Мен музейшуносман” маъданий-маърифий чора тадбирлар доирасида учрашув кечаси, “И.В.Савицкий ва у асос солган музей”, “Музейнинг археология, халқ амалий санъати, тасвирий санъат бўлимлари бебаҳо ноёб экспонатлари”, “Қадимий Миздакхан ёдгорлиги. Назлимхан-Сулув мақбараси”, “Саркофаг-Жанубий Орол бўйидаги бебаҳо археологик топилма”, «Қорақолпақ отау уйи сири», «Чамадондаги

эртаклар», “Музейнинг мустақиллик йилларидан кейинг қўлга киритган ютуқлари” номли доира суҳбатлари ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги «Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» № ПФ-6000 - сонли Фармонида 2020 йил сентябрь ойидан бошлаб давлат музейларида ҳар ойнинг биринчи якшанбаси «Очиқ эшиклар куни» деб эълон қилиниб музейда ўтказиладиган ҳар ҳил тадбирларга фуқаролар музей ашёлари ва музей коллекцияларини кириб кўришга бепул киритилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27-майдаги «Музейлар хизматин ривожлантириш чора-тадбирлари ҳақида»ги 261-сонли қарори бандларига назорат иш режаси ишланиб чиқилган. Масалан: артистлар, фольклор жамоати учун музейда ажратилган махсус ҳудудларида Бердоқ номидаги Қорақалпоқ давлат академия мусиқа театри, Қорақалпоқ давлат “Қуғурчоқ” театри, “Ёш томашобинлар театр”и артистлари ва актерлари томанидан тарихий сахна кўринишлари, болалар учун эртак спектакллар номойишин музейга ташриф буюрувчи барча маҳаллий ва чет эллик мехмонларга кўрсатилмоқда.

Бугинги кунда Ўзбекистоннинг янги траққиёт даври пойдеворини яратяпмиз. Бунда бизнинг энг яқин қумакчиларимиз нураний-устозлар, илмий ва ижожкор зиёлилар билан бирга янгиликларни халқ орасида кенг тарғиб этувчи ёшлар кўмаги бўлиб ҳисобланади. Ёшларни тарихий бой миросга эга бўлган музей тадбирларига жалб этиш мақсадида ҳар чоракда ўтказиладиган “Музейда тун”, “Open Air Fest” кунгил ошар дастурлар ва концерт-томашаларига, Нукус шаҳаридаги рус, туркман, козах, корейц, украин марказлари томанидан тайёрланган “Ўзбекистон – умумий уйимиз” номли тадбирларида ўз дастурлари билан иштироқ этишга жалб этиб, ёшлар онгида маънавий-маданий, дўстлик тарбиявий ишлари сингдирилмоқдамиз.

Шундай натижали ишлар асосида музейнинг илмий-тарихий аҳамиятини дунёга танитиш, ўрганиш, ургатиш билан бирга музей ишини халқ орасида кенг тарғиб этиш, бебаҳо экспонатларни сақлаш тарихин бой меросимиз аҳамиятини авлоддан-авлодга миллий истиқлол ғояси асосида тушунтириш вазифасин бошчиликка олдик десак таажуб эмас.

Хуласа: Янги Ўзбекистон – илм, маърифатни қуриш жамияти концепциясида ривожлантириш стратегия дастурлари асосида - Миллий музейларда Қорақалпоқ халқининг бой ўтмиши, юқари маданияти такрорланбос ноёб санъати, моддий ва номодий мирослари ҳорижлик саёхлар ва маҳаллий мактаб ўқувчиларнинг ташрифи уларнинг манъавий-марифий савиясин ривожлантиради ва тарихий-манъавий илм ва таълимини оширади.

МАНБАЛАР ИНДИКАТОРЫ:

1. И.В.Савицкий номидаги Қорақалпоқстан давлат санъат музейи архив материаллари 1966-2023 йил архив материаллари
2. Материалы VIII международный конгресс всемирного общества по изучению, сохранению и популяризации культурного наследия Узбекистана. – Ташкент, Самарканд, 2024. 24-26-август.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сон Фармони
4. 2023-йил Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 22 декабрь куни Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши.